

Сирдарё вилоят ташувчилари билан учрашув.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрдаги 378-сонли «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунининг ижроси доирасида ўтган йилдан бошлаб давлат бошқарув ва хўжалик органлари раҳбарларининг худудларда сайёр қабуллар ўтказиши йўлга қўйилган эди.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” дастури доирасида навбатдаги учрашув Сирдарё вилояти ташувчилари билан бўлиб ўтди. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи В.Исмоилов жорий йилнинг 18 май куни Сирдарёга бориб, вилоятдаги автотранспорт соҳасида олиб борилаётган ишлар, тегишли ҳукумат қарорлари ижроси билан танишди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2724-сонли “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 апрелдаги “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида”ги 238-сонли қароридан келиб чиқадиган вазифаларнинг амалда бажарилиш жараёни билан қизиқди.

Кун давомида Агентлик бошлиғи В.Исмоилов Сирдарё вилоят худудида рўйхатдан ўтган юк ва йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиб келаётган ташувчилар вакиллари (тадбиркорлар) билан очиқ мулоқот самимий ва фикр алмашиш тарзида ўтди.

Агентлик бошлиғи сўз аввалида вилоятдаги барча ташувчиларни куни кеча ҳукуматимиз раҳбари Ш. М. Мирзиёевнинг вилоятга ташрифи доирасида автотранспорт соҳасида амалга оширилиши кўзда тутилган режалар, соҳани ривожлантириш истиқболлари, вилоятда транспорт тизимини такомиллаштириш ва бу борада Агентлик томонидан олиб борилаётган саъий-ҳаракатлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди.

Сўнгра йиғилиш иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволлар, иш жараёнида учраётган муаммоли масалалар ва таклифларини билдирдилар.

Хусусан, Сирдарё туманида жойлашган “Сирдарё 2513-сонли автожамланма” ДУК раҳбари Б.Қудратов мурожаат қилиб, автожамланма мулкӣ мажмуаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитасига ўтказиб берилиши белгиланганлиги, лекин, қўмита томонидан қабул қилинмасдан, Сирдарё туман ҳокимлиги томонидан корхонага тегишли бино ва иншоотларни “ноль” қийматда инвестиция киритиш шарти билан тадбиркорларга бериб юборилаётганлигини айтиб, автокорхонани сақлаб қолишда амалий ёрдам беришни сўради.

Боёвут туманида жойлашган “Ният” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси К.Жўраев мурожаат қилиб, кейинги вақтларда республикамизда

илғор ахборот технологияларидан кенг фойдаланилаётганлиги, Агентлик томонидан ташувчиларни ишини енгиллатиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар барчани қувонтираётганлигини таъкидлаган ҳолда, лицензия ва лицензия варақалари олиш учун аризалар бериш тизимини электрон шаклга ўтказиш бўйича қандай ишлар амалга оширилаётганлиги билан қизиқди.

Гулистон шаҳрида рўйхатдан ўтган “Сирдарё йўловчи авто транс” МЧЖ директори М.Абдуллаев шаҳарлараро йўналишлар бўйича лицензияларни бериш вилоят бошқармалари орқали амалга оширилиши катта қулайлик бўлганлиги, “тендер ғолиби” гувоҳномаларини беришни ҳам вилоят бошқармалари орқали амалга ошириш имкониятлари тўғрисида, Сирдарё тумани “Ҳамкор давр транс” МЧЖ таъсисчиси Ш.Алимухаммедов, енгил автомобилларни рўйхатга олишда йўл фондига ажратиладиган 3 фоизлик йиғимдан озод қилиш масаласида, ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси учун ташувчи томонидан суғурта бадали бир йил муддатга тўланиши белгилаб қўйилганлиги айниқса, енгил автомобиллар учун суғурта бадалининг қимматлиги қийинчилик туғдираётганлиги, суғурта муддатини лицензия варақасининг амал қилиш муддатидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши мақсадга мувофиқлиги, давлат божини ҳисоблашда долларда эмас, сўмда ҳисобланишини илтимос қилди.

Агентлик бошлиғи барча саволларга батафсил жавоб берди, қатор масалалар шу ернинг ўзида ҳал этилди. Ҳудудий бўлимнинг ваколатлари доирасида ечим топиш мумкин бўлган масалалар юзасидан бўлим мутасаддиларига вазифалар топширилди. Республика миқёсидаги бошқа ташкилот ва муассасалар ёрдамида бартараф этиладиган муаммоларга доир барча саволларни эса В. Исмоилов алоҳида белгилаб олиб, ўрнатилган тартибда кўмаклашишга ваъда берди.

Қабул якунида бу каби учрашувлар келгусида ҳам мунтазам равишда ташкил этилиши, шунингдек ташувчилар ўз муаммо ва таклифлари юзасидан Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 202-22-55 рақамли “ишонч телефони” ва “Агентлик бошлиғининг виртуал қабулхонаси” Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилишлари мумкинлиги яна бир қарра эслатиб ўтилди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати